

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 6 май, № 93 (8155)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЗ ТИББИЙ ВА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 май куни тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу соҳалар инсон соғлиги ва ҳаётини сақлаб қолишда “олтин соат” оралиғида биринчи ёрдам кўрсатувчи муҳим бўлибди. Сўнгги беш йилда бу йўналишларнинг моддий таъминоти ва кадрлар салоҳиятини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинди.

Жумладан, 2 минг 224 та янги тез ёрдам машинаси харид қилинди, замонавий реанимация машиналари сони 24 тадан 435 тага етказилди. Тез ёрдам станциялари ва бригадалари сони ҳам кўпайтирилди. Шунингдек, битта қақриқ учун дори-дармонга ажратилаётган маблағлар миқдори 16 баравар, дори турлари 20 тадан 45 тагача оширилди.

Шошилинч ёрдам соҳасида ҳам кўп йўналишда катта эътибор қаратилди. Худудларда 21 та туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қонтомир касалликларни марказлари ташкил этилди. Натижада туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят марказларига мурожаатларини камайтирди.

Масалан, илгари “Қамчиқ” доғида автохалокатда оғир тан жароҳати олган беморлар 100 километр масофа босиб, Тошкент ва Наманган шаҳридаги шошилинч марказларга олиб борилган. Энди Ангрэн шаҳри ва Поп туманида очилган марказлар одамлар жонига оро кирмоқда.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам бор. Улар ҳақида 18 март куни давлатимиз раҳбарининг тиббиёт

ҳодимлари билан очиқ мулоқотида айтилган эди.

Мисол учун, ўтган йили тез тиббий ёрдам бригадасининг кечикиб келиши бўйича 50 мингдан зиёд шикоятлар келиб тушган.

Бунинг сабабларидан бири соҳада ягона бошқарув йўлга қўйилмаганидир. Жумладан, тез тиббий ёрдам ходимини ишга тайинлаш, дори-дармон таъминоти, транспорт, ёнлиги ва ҳайдовчилар масаласи вилоятдаги турли бошқармалар ваколатида. Бошқарувдаги бундай чақашликлар эвазига тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш туман ҳудуди билан чекланган. Тез ёрдам станцияси қўшни туман билан чегарадош бўлса-да, бошқа ҳудуд деган ваҳ билан қақриқ руви қабул қилмайди.

Тез тиббий ёрдам машиналарининг кўпиди навигация жиҳозлари йўқлиги, 10 мингта кўнча ҳалигача ном ва 500 мингта яқин уйларга рақам қўйилмагани сабабли маҳалла топишга кўп вақт кетмоқда.

Тизимдаги энг катта муаммо — шошилинч ёрдам бемор учун энг яқин тиббиёт муассасасида эмас, балки факатгина олинган бириктирилган санокли шифохоналарда кўрсатилади.

Шу боис тез тиббий ва шошилинч ёрдам тизимини такомиллаштириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Йиғилишда ушбу дастурдаги асосий янгиликлар, уни амалга ошириш борасидаги вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, жорий йил 1 июндан ягона вертикал бошқарув асосида “103” Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоят филиаллари ташкил этилади. Бунинг натижасида энди тез тиббий ёрдам кўрсатиш бир туман ҳудудида эмас, балки Тошкент шаҳри тажрибада тез ёрдам фельдшерлари бир вақтнинг ўзиде ҳайдовчи ҳисобланади.

Шу боис янги ўқув йилидан фельдшерликка ўқиётган ёшлар ҳайдовчиликка ҳам ўргатилиши белгиланди. Бунинг учун тиббиёт коллежларига ҳайдовчилик мактаблари бириктирилади.

Кўрсатилган хизматни беморлар томонидан баҳолаш орқали тез тиббий ёрдам ходимларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди. Бунда, ҳар чорак якунида фаолияти беморлар томонидан яхши баҳоланган бригадалар ходимлари ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориде мукофотланади.

Ўртимизда ҳар минг кишига нисбатан қақриқлар сони 352 тани ташкил қилади. Бу ривожланган давлатлардаги қараганда 6-7 баравар кўп. Чунки қишлоқ ва маҳаллаларда оддий тиббий хизмат йўлга қўйилмагани учун аҳоли тез ёрдамга мурожаат қилмоқда.

Шунинг учун маҳаллаларда тиббиёт пунктлари ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Тез тиббий ёрдам тизими ходимларини тайёрлаш ва малакасини оши-

риш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бунинг учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази Республика тез тиббий ёрдам маркази тизимига ўтказилиб, Ҳодимлар малакасини ошириш мактаби сифатида қайта ташкил этилади. Туркия, Жанубий Корея, Франция каби тез ёрдам тизими илгор бўлган мамлакатлардан мутахассислар жалб қилинади.

Туманлар даражасида шошилинч тиббий хизмат қамровини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Бунинг учун, энг аввало, барча туман ва шаҳар шифохоналаридаги терапия, педиатрия ва хирургия йўналишида бир-бирини тақрорлайдиган режали ва шошилинч бўлимлар бириктирилади. Уларда туну кун ишлайдиган шошилинч ёрдам қабулхоналари ташкил этилади.

— Бу вазифаларни жой-жойига қўйсақ, тиббиёт соҳасини халққа янада яқин қилган, инсон қадрини улуғлаш учун яна бир қадм ташлашга бўламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизматларини ривожлантириш бўйича ўзларининг ҳудудий дастурларини қабул қилиб, ижросини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар муқаддас Рамазон ҳайити билан бир-бирини самимий қутлаб, мамлакатларимизнинг биродар халқларига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Олий даражадаги музокаралар якунида қабул қилинган битимлар ва эришилган келишувларнинг амалга оширилиши батафсил муҳокама қилинди.

Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳалари ва бошқа йўналишларда устувор кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари ҳудудлар ўртасидаги мулоқотларни фаоллаштириш ва маданий-гуманитар алмашинуви ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзаро лойиҳалар ва кўп қиррали ҳамкорлик дастурларини амалга оширишни жадаллаштириш учун икки мамлакат ҳукуматлари даражасида мунтазам учрашувлар ўтказиш ва мувофиқлашувни кучайтириш муҳим экани қайд этилди.

Бундан ташқари, минтақавий кун тартибининг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 28 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 29 апрелда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган УРҚ-599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1099-модда; 2022 йил № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **75-модда:** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 483-моддасида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳамда юридик шахслардан олинандиган ер солиғини тўлашдан тўлиқ озод қилиш тарзида берилган солиқ имтиёзларига эга бўлган солиқ тўловчилар мазкур солиқларни ушбу солиқлардан ҳисобланган сумманинг бир фоизи миқдориде тўлайди»;

ўн биринчи қисми ўн иккинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **317-модданинг 7-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) хайрия ёрдамини амалга ошириш учун харажатлар, бундан меценатлик кўмагини кўрсатиш, ўқув-тарбия муассасаларига ёки етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар, шунингдек Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондига хайрия қилинган маблағлар мустасно»;

3) **337-модда биринчи қисмининг 8-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

8.	Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар	7,5
----	---	-----

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2022 йилда Ханчжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтадиган XIX ЁЗГИ ОСИЁ ВА IV ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИ КОМПЛЕКС ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жорий йилда Ханчжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтадиган ёзги Осиеё ва Параосиеё ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ҳар томонлама тайёрлиги ва муваффақиятли иштирокини таъминлаш, уларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Осиеё ўйинлари ташкилий қўмитасининг тақлифига кўра Ханчжоу шаҳрида (Хитой) **2022 йил 10 — 25 сентябрь** кунлари **XIX ёзги Осиеё ўйинлари** ҳамда шу йилнинг **9 — 15 октябрь** кунлари **IV ёзги Параосиеё ўйинлари**да

(кейинги ўринларда — Осиеё ва Параосиеё ўйинлари) Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирок этиши режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

2. Қуйидагилар Осиеё ва Параосиеё ўйинларида Ўзбекистон спортчиларини тайёрлашнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон спорт делегациясининг аввалиги Осиеё ўйинларида нисбатан спорт турлари бўйича **30 тадан 35 тагача** ҳамда Параосиеё ўйинларида нисбатан паспорт турлари бўйича **8 тадан 13 тагача**, умумий профессионал спортчилар сонини **50 фойиздан ошириш**; аънаванай яққаураш спорт турлари билан бир қаторда **ўқ отиш,**

енгил атлетика, эшкак эшиш, велоспорт, гандбол, регби, баскетбол 3x3, сув спорти, шунингдек, паравелоспорт ва парашахмат спорт турлари бўйича натижадорликни ошириш; спортчиларнинг **генетик** ва **фенокини** имкониятларини ўрганиб, уларга **рационал овқатланиш** ҳамда машғулот юктамаларини тўғри тақсимлаш бўйича тавсиялар бериш ва уларни миллий терма жамоаларга жалб қилиш, шунингдек, ҳар бир спортчининг **психологик портретини** **шақллантириш** орқали **психологик тайёрлаб бориш**;

(Давоми 2-бетда).

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШГА УНДАЁТГАН РАҒБАТ

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган “Олтин қалам” XVI Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Танлов

Унда оммавий ахборот воситалари ходимлари, соҳага оид олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, экспертлар, ёш ижодкорлар, ўртимизда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ва элчихоналарнинг вакиллари, шунингдек, бир қатор хорижий давлатлардаги медиа уюшмаларнинг мутасаддилари қатнашди.

Тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда миллий журналистика соҳасини янада ривожлантириш, сўз эркинликларини таъминлаш борасида кескин ижодий ўзгаришлар юз бераётгани таъкидланди.

Президентимизнинг соҳага алоҳида эътибори тўғрисида бугунги кунда оммавий ахборот воситалари халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприкка, фуқаролар ўз фикрини, тақлифини эркин баён этадиган халқ

минбарига айланиб борапти. Соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида алоҳида университет фаолияти юритмоқда.

Журналистлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. 2006 йилдан буён ўтказилиб келинаётган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳа вакиллари моддий ва маънавий рағбатлантириб қолмай, уларнинг фаоллигини ошириб, ижодий изланишга, ислохотлар шиддатини тезкор, холис ва ҳаққоний тарзда аҳолига етказишга чорламоқда.

Жорий йилги танловга 448 нафар иштирокчидан беш мингга яқин ижодий ишлар қабул қилинди. Уларни баҳолашда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг расмий journalist.uz сайти орқали кенг жамоатчилик иштирокидаги онлайн баҳолаш ҳам йўлга қўйилди.

Тантанали тадбирда телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари, интернет журналистика йўналишларида “Энг яхши журналистик материал учун” биринчи, иккинчи, учинчи ўринларга сазовор бўлган қатнашчиларга мукофотлар топширилди. Ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишонини, статуткаси ва базавий ҳисоблашнинг тегишли миқдоридеги пул мукофоти билан тақдирланди.

Жумладан, телевидение йўналишида 1-ўринга “Маданият ва маърифат” телеканалидан Юлдуз Файзий, 2-ўринга “Севишли” телеканалидан Муътабар Нурмухаммедова, 3-ўринга “Рухсор ТВ” (Фарғона вилояти)дан Мафтуна Мамасиддиқова лойиқ топилди.

Радио йўналишида 1-ўрин Навоий ТРК мухбири Фароғат Барноевага, 2-ўрин “O‘zbekiston 24” телерадиоканалидан Зарбуви Чориевага, 3-ўрин “Гранд” радио-

Учрашув

ЎРТИМИЗДА ВЕЛОСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Кеча Ўзбекистон велоспорт федерацияси раиси Танзила Норбоева Осиеё велоспорт конфедерацияси президенти Осаме Аҳмад ал-Шафарини қабул қилди.

Учрашувда ўртимизда велоспортни янада ривожлантириш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни ушбу спорт турига кенг жалб этиш, шу орқали мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, Осиеё велоспорт конфедерацияси билан ҳамкорликда истиқболли режаларни амалга оши-

риш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Уз навбатида, О. ал-Шафарий Ўзбекистонда велоспортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда спортчилар учун яратилган шарт-шароитларга юқори баҳо берди.



каналдан Нодира Мақсудовага берилди.

Интернет-журналистика йўналишида 1-ўринга ЎзА бўлим муdiri Нургул Абдурайимова, 2-ўринга knp.uz сайти мухбири Илёс Сафаров, 3-ўринга xabar.uz ахборот таҳлилий портали мухбири Анвар Намозов лойиқ топилди.

Босма нашрлар бўйича 1-ўринга “Халқ сўзи” — “Народное слово” газеталари таҳририяти Бош

ЎзА.

➡ 2

➡ 4

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

«(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

4) **380-модда биринчи қисмининг биринчи хатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Куйидаги солиқ тўловчилар солиқ солишдан қисман (даромадлар қайси олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар, ушбу қисмининг 3-бандида кўрсатилган шахслар учун эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод этилади»;

5) **428-модда иккинчи қисмининг ўн биринчи хатбошидаги** «уч йил» деган сўзлар «беш йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **467-модданин 13-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	13.	Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар	2	»
---	-----	---	---	---

7) **483-модда: учинчи қисмининг биринчи хатбошидаги** «2022 йил 30 апрелга қадар» деган сўзлар «2022 йил 31 декабрга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2021 йилнинг 10 октябридан 2022 йил 30 апрелга қадар бўлган даврда товуқ гўштини, музлатилган баликни ва тирик паррандани, 2021 йил 10 октябрдан 2022 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда эса гўштни (мол гўштини, қўй гўштини), тирик хайвонларни (молни ва қўйни) ҳамда уларни сўйишдан олинган маҳсулотларни, картошкани реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўйилган қиймат солиғидан озод қилинади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи, ўн еттинчи ва ўн саккизинчи қисмлар** билан тўдирилсин:

«2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги маҳаллий sanoat, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари:

фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни, ижтимоий солиқни ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдоридagi солиқ ставкалари бўйича тўлайди; юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманин 1 фоизи миқдоридagi солиқ ставкалари бўйича тўлайди.

Бўялган матони, бўялган газламани ва тайёр тикув-трикотаж

маҳсулотини экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари (шу жумладан коммиссионер (ишончли вакил) орқали экспорт қилган тадбиркорлик субъектлари) 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридagi солиқ ставкаси бўйича тўлайди.

Ушбу модданин ғўн еттинчи қисмида назарда тутилган имтиёз бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотини экспорт қилишдан олинган тушуми барча товарларни ва хизматларни реализация қилишдан олинган тушумининг камиди 80 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ишорачиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қороларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 1-банди ушбу Қонун қучга қирган кундан эътиборан уч ой ўтган амалга қиритилади.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 3 ва 6-бандлари 2022 йил 1 июлдан эътиборан амалга қиритилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 4-бандининг қоидалари 2022 йил 1 мартдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 5-бандининг ҳамда 7-бандининг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қоидалари 2022 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 7-бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари қоидалари 2022 йил 1 майдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 7-бандининг тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари қоидалари 2022 йил 1 февралдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 5 май № УРҚ—767

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2022 йилда Ханжжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтадиган XIX Ёзги Осиё ва IV ПараоСИё ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида

«(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

спорт турлари бўйича тайёргарлик жараёнига хорижий тренерлар ва мутахассисларни, шу жумладан, **спорт фармакологлари, диетологлари, психологлари**ни жалб қилиш; спортчилар учун **узлуксиз ўқув-машгулот йиғинларини** ўтказиш ҳамда яқиний тайёргарлик босқичини самарали ва сифатли ташкил этиш.

3. **Ўзбекистон спорт делегациясининг 2022 йилда Ханжжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтадиган XIX Ёзги Осиё ва IV ПараоСИё ўйинларига тайёргарлик қўриши ва муваффақиятли иштирок этиши бўйича «Йўл харитаси»** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, а) Осиё ва ПараоСИё ўйинларида голиб ва совриндор бўлган **Ўзбекистон спортчилари:**

- олтин** медаль учун — 5 000 АҚШ доллари;
- кумуш** медаль учун — 3 000 АҚШ доллари;
- бронза** медаль учун — 2 000 АҚШ доллари;
- б) Осиё ва ПараоСИё ўйинларида голиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаган **тренерлар:**

- олтин** медаль учун — 2 500 АҚШ доллари;
- кумуш** медаль учун — 1 500 АҚШ доллари;
- бронза** медаль учун — 1 000 АҚШ доллари;
- в) Осиё ва ПараоСИё ўйинларида голиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаган **бошқа мутахассислар** (шифокор, диетолог, массажиш ва бошқалар):

- олтин** медаль учун — 2 000 АҚШ доллари;
- кумуш** медаль учун — 1 000 АҚШ доллари;
- бронза** медаль учун — 500 АҚШ доллари **миқдорида ҳар бир медаль учун бир марталиқ пул мукофотлари билан рағбатлантирилади;**

г) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Белгилансинки, Осиё ва ПараоСИё ўйинларида голиб ва совриндор бўлган **Ўзбекистон спортчилари** ва уларни тайёрлаган **тренерлар қўшимча равишда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан** қуйидаги миқдорда бир марталиқ пул мукофотлари билан рағбатлантирилади:

а) Осиё ва ПараоСИё ўйинларида голиб ва совриндор бўлган **Ўзбекистон спортчилари:**

- олтин** медаль учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг **300 баравари** миқдорида;
- кумуш** медаль учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг **200 баравари** миқдорида;
- бронза** медаль учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг **100 баравари** миқдорида рағбатлантирилади;

б) Осиё ва ПараоСИё ўйинларида голиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаган **тренерлар:**

- олтин** медаль учун базавий ҳисоблаш миқдорининг — **200 баравари** миқдорида;
- кумуш** медаль учун базавий ҳисоблаш миқдорининг — **100 баравари** миқдорида;
- бронза** медаль учун базавий ҳисоблаш миқдорининг — **50 баравари** миқдорида;

в) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар маҳаллий бюджетнинг қолдиқ маблағлари ва даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисмидан қопланади.

6. Куйидагилар Осиё ва ПараоСИё ўйинларига **тайёргарлик қўришининг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:**

Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасига ажратилган Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари; қўнунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXIII Ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссиясига (А.Н.Арипов):

икки ҳафта муддатда Осиё ва ПараоСИё ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясининг **контингентини**, шунингдек, ушбу ўйинларга босқичма-босқич тайёргарлик олиб бориш **схемасини тасдиқлаш;**

Осиё ва ПараоСИё ўйинларига тайёргарлик қўриши ва муваффақиятли иштирок этиш бўйича мазкур қарор билан тасдиқланган «Йўл харитаси»да масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқларнинг **ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назоратга олиш;** спорт соҳасидаги малакали мутахассислар ва масъул спорт ташкилотлари вакилларида иборат **Осиё ва ПараоСИё ўйинлари тезкор штаблари** фаолиятини ташкил этиш;

Осиё ўйинлари дастурига киритилган ноолимпия спорт турларига спорт базаларини бирикитириш, спорт инвентарлари билан таъминлаш, **110** кунлик узлуксиз маҳаллий ва халқаро **ўқув-машгулот йиғинлари** ҳамда халқаро спорт мусобақаларида терма жамоа аъзолари иштирокини таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ҳузурда спортчиларнинг допинг назоратини олиб бориш учун мўлжалланган **Допингга қарши маъмурият ва бошқарув тизими (ADAMS)** дастури бўйича махсус ишчи гуруҳларини ташкил этиш;

натижадорлиги паст бўлган спорт федерация (ассоциация)ларида замонавий **спорт менежментини** йўлга қўйиш.

8. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Ш.Ташматов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев):

спортчиларнинг халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлиги давомида **жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш**, жумладан, тренерлар, спорт шифокорлари, ҳажамлар иштирокида маҳаллий ва халқаро семинар-тренинглар, мастер-класс тадбирларини ўтказиб бориш чораларини қўриш;

Осиё ва ПараоСИё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг қатнашиши учун уларни **спорт анжомлари, расмий либос ва спорт экипировкаси** билан таъминлаш; Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Осиё ва ПараоСИё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини **тантанали кузатиш ва қутиб олиш тадбирларини юқори савияда ташкиллаштириш** вазифаси юклатилсин.

9. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Ш.Ташматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) миллий терма жамоа аъзоларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш мақсадида:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридagi **Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) фаолиятини янада такомиллаштириш;

спортчиларнинг ўқув-йиғин машгулотлари ва мусобақалар даврида жисмоний ҳолатини тиббий қўриқдан ўтказишга мўлжалланган **мобил лабораториялар** фаолиятини ташкиллаштириш ва уларни **зарур ҳижозлар** билан таъминлаш; спорт турлари бўйича терма жамоаларга **тиббиёт ходимларини** Марказ орқали **бириктириш** ва жалб этиш тизимини йўлга қўйиш;

Марказ иш фаолияти унумдорлигини ошириш мақсадида **маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан ҳамкорликни** йўлга қўйиш чораларини қўрсин.

10. Белгилансинки: Марказ фаолиятини яхшилаш мақсадида NexiON 1 000 (мастер-спектро-метр Perkin Elmer) ва мобил криокамера

тиббий асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 2022 йилда фаолияти тугатилган «Соғлом турмуш тарзи» платформасига ажратилган маблағлар доирасида **5 миллиард сўм** йўналтирилади ва 2023 йилда қўйма лаборатор таҳлилларни ўтказиш мақсадида **1 дона автобус харид қилиш учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағлар** қўзда тутилади;

Марказ учун талаб этиладиган бошқа тиббиёт ҳижозлари ва асбоб-ускуналарни харид қилиш **Марказнинг ўз маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Мудофаа вазирлиги (Б.Қурбонов), Миллий гвардия (Р.Джурраев) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда Осиё ва ПараоСИё ўйинларига тайёргарлик қўраётган спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг ташкил этиладиган **спорт мусобақалари, ўқув-машгулот йиғинлари даврида таълим муассасаси ўқув дарсларидан, иш фаолиятидан белгиланган тартибда озод қилинишини ва спорт тадбирларида** ўз вақтида иштирок этишини таъминласин.

12. Миллий антидопинг агентлиги (Н.Турсунов): спортчилар томонидан **антидопинг қоидаларига** қатъий риоя қилиниши устидан самарали назоратни амалга оширсин; спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда режа-график асосида **семинар-тренинглар** ташкил қилиб бориш;

Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини антидопинг мазсуларига оид тегишли **ўқув-ахборот материаллари** ва турли кўргазмали маълумотлар билан таъминласин.

13. Ташқи ишлар вазирлиги (В.Норов): Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси буюртманомасига мувофиқ Осиё ва ПараоСИё ўйинларига тайёргарлик даври мобайнида терма жамоа аъзолари учун **хорижга чиқиш ҳужжатларининг тезкорлик билан расмийлаштирилишини таъминласин;**

Ўзбекистон спорт делегациясининг Пекиндаги **«Бейжинг»** ҳамда Ханжжоудagi **«Сяошань»** (Хитой) халқаро аэропортларида иммиграция назоратидан ўтишга қўмақласин.

14. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов): Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг Осиё ва ПараоСИё ўйинларида қатнашиши учун уларнинг хорижга чиқиш **биометрик паспортлари тезкорлик билан расмийлаштирилишини таъминласин;**

кузатиш ва қутиб олиш тадбирларида хавфсизлиқни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегацияси **транспорт воситалари кузатувини** ташкил этиш бўйича зарур ташкилий чораларни қўрсин.

15. Транспорт вазирлиги (И.Маҳжамов):

Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси талабномаларига асосан жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида **Ханжжоу шаҳрига (Хитой) рейслар** ташкил этилиши, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегацияси учун авиачипталар брөнч қилинишини;

Тошкент — Ханжжоу — Тошкент йўналишини бўйича қўшимча чартер рейслари ташкил этилиши ва амалга оширилишини;

Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига тегишли бўлган **спорт анжомлари ва ҳижозларининг** Исрол Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти орқали **бепул ўтказилишини;**

Исрол Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортининг умумий залида **«яшил йўлак»** ташкил қилиш ва мазкур йўлак орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини **кузатиши ва қутиб олиши**ни таъминласин.

16. Давлат божхона қўмитаси (А.Мавлонов) Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари ва уларнинг қўл юкларини (спорт оғаклари

ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, спорт анжомлари, жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар ва препаратлар ҳамда бошқалар) **божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш ишлари тезкорлик** билан амалга оширилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Ш.Ташматов) ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда Ўзбекистон спорт делегациясини зарур бўлган **тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва препаратлар билан таъминласин.**

18. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) спортчиларнинг тайёргарлик жараёнига, ўқув-машгулот йиғинлари ҳамда Осиё ва ПараоСИё ўйинларида бевосита иштироки тўғрисида **қисқа метражли видеороликлар** ҳамда **махсус кўрсатувлар** тайёрлаишини ва оммавий ахборот воситаларида доимий равишда кенг ёритилишини таъминласин.

19. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Ш.Ташматов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев), спорт федерация (ассоциация)лари ҳамда спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари томонидан Осиё ва ПараоСИё ўйинларига тайёргарлик қўриш учун спорт анжомлари, жиҳозлар, ускуналар, делегация расмий либослари, спорт экипировкаси, спорт тиббиёти жиҳозлари, тиббий-биологик препаратларни харид қилиш, шунингдек, ўқув-машгулот йиғинлари бўлиб ўтадиган спорт базаларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ётоқхона, спорт заллари ва спорт жиҳозлари ижараси ҳамда оғаклаштириш ташкил қилиш билан боғлиқ тартиб-бошқаруви қонунчиликда белгиланган тартибда **давлат харидларининг асосий принципларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилсин.**

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

жойларда олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида **спорт федерация (ассоциация)лари худудий бўлимларининг** молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамласин;

туман (шаҳар)ларда тегишли **спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш** ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш чораларини қўрсин;

Осиё ва ПараоСИё ўйинларига тайёргарлик қўраётган миллий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассисларини **моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватласин**, уларнинг маънавий шарафларини яхшилаш бўйича масъулларни бириктирсин; худудий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа спорт мутахассисларининг республика ва халқаро спорт тадбирлари ҳамда **ўқув-машгулот йиғинларида узлуксиз иштирокини таъминлаш** чораларини қўрсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов**, спортни ривожлантириш вазирининг ўринбосари **Ш.Ш.Махдумов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раисининг ўринбосари **Ш.Р.Ташматов** ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси **М.М.Ташходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 5 май

ЮРТИМИЗДА ВЕЛОСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ана шу эътибор натижасида Ўзбекистон велоспортида кескин юксалиш кўзга ташлангани ва натижада Ўзбекистонлик спортчилар жорий йил март ойида Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашганлиги ҳам қайд этилди. Шунингдек, учрашув давомида меҳмонлар томонидан Ўзбекистонда велоспортининг шоссё, тоғ ва трек турлари бўйича мусобақаларни ташкил этиш ҳамда Осиё чемпионат-

ларини ўтказиш бўйича тақийф ва мулоҳазалар билдирди. Мулоқотда томонлар Ўзбекистонда велоспорт терма жамоасининг моддий-техника базасини янада кучайтириш, хорижий мураббийларни жалб этиш орқали уларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, спортчиларни келгусидаги йирик мусобақаларга пухта тайёрлаш каби устувор масалалар юзасидан ҳамкорликни янада жаддалаштиришга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТАДБИРИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМНИ ЮКСАЛТИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси раиси Абдуллоҳ Шаҳид ташаббуси билан «Инклюзив тикланиш асосида барқарор ва бардошли туризмга эришиш» мавзусида юқори даражадаги дебат ташкил этилди.

Мазкур форум Жаҳон сайё

ОРГАНИК МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги ва озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш бўйича изчил ва кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

НУҚТАИ НАЗАР

Таъкидлаш жоиз, Органик қишлоқ ҳўжалиги тадқиқотлари институти (FIBL) ва Органик қишлоқ ҳўжалиги ҳаракати бўйича халқаро Федерация (IFOAM)нинг жаҳон органик қишлоқ ҳўжалиги статистикасига кўра, Ўзбекистон Республикаси мева етиштириш бўйича кулай шартларга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилган ва республикамиз органик мева ишлаб чиқариш учун қўлай ер майдонларига эга эканлиги қайд этилган.

тибга солиш, органик маҳсулот ишлаб чиқариш ва савдосига қўйилган талаблар, органик маҳсулотлар ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш назарда тутилган.

риш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ҳамда йўқ қилишга доир талаблар белгиланмоқда.

ҳисобланган органик маҳсулотлар ва хом ашё ишлаб чиқариш тизимини янада ривожлантиришга туртки беради.

Халқ билан мулоқот Кўп йиллик муаммо Ечим топди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдумалик Акрамовга Наманган вилоятининг Поп туманидаги Уйғурсой маҳалласи аҳолисидан ичимлик суви, тиббий хизмат, чиқиндилар билан боғлиқ муаммолар бўйича муурожаат бўлган эди.

Шунингдек, ушбу маҳаллада бир неча объектлар жойлашган бўлиб, етарли маблағ ажратилмагани боис канализация ва оқова сув тармоғи буткул яроқсиз ҳолатга келиб қолганди.

ни жойига чиқиб ўрганиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазирликка муурожаат йўллаганди.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРГА ОЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавжуда Ҳасанованинг Денов туманидаги учрашувлари қизгин савол-жавоблар остида ўтмоқда.

Хусусан, тумanning "Лочин" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда ичимлик суви ва ички кўчаларни асфальтлаш, янги ўрнатилган симёғочларнинг электр симларини янгилаш ҳамда бошқа масалалар бўйича муурожаатлар келиб тушди.

деди Қонунчилик палатаси депутати М. Ҳасанова. — Демак, биз халқ вакиллари бугун аҳоли орасига чуқурроқ кириб, одамларни нима ўйлантираётгани, жойларда қайси масалалар ечимини кутаётганини яхши билишимизга ва жойлардаги ижтимоий масалаларга ижобий ечим топишда фаол иштирок этишимиз лозим.

— Халқ билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни ойдинлаштириди, —

Депутат М. Ҳасанова ҳудудларда рўй бераётган туб ўзгаришларни кўздан кечириш билан бирга, тумандаги тиббиёт муассасалари фаолиятини ҳам ўрганди.

МАСАЛАЛАР ДЕПУТАТ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ҳудудлардаги ўрганишлари қизгин ўтмоқда. Хусусан, парламент қўйи палатаси депутати Фирдавс Шарипов ўрганишни Денов туманидаги Остона маҳалласидан бошлади.

Аҳоли томонидан симёғочларни алмаштириш, 30-умумтаълим мактабини таъмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва пенсия билан боғлиқ муаммолар баён этилди.

Юқоридаги муурожаатлар тегишлилиги бўйича туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларга йўналтирилиб, депутатлик назоратига олинди.

Чаконий маҳалласида бўлган учрашувда эса 33-умумтаълим мактабини реконструкция қилиш учун дастурга киритиш, ички йўлларни таъмирлаш, симёғочларни алмаштириш, электр энергиясини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича сайловчилар муурожаат қилишди.

Учрашувлар давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва муҳокамада бўлган қонун лойиҳалари тўғрисида маълумотлар берилди.

Сурнайтепа маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда ҳам юқоридаги каби муаммолар борлиги айтилди. Олдинги учрашувда аҳоли томонидан маҳаллада мактабгача таълим ташкилотини барпо этиш бўйича муурожаат қилинган эди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг майиюнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оксколларди) сайлов бўйича қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти аҳолига етказилди.

Депутатнинг сайлов оқругидаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Дунё нигоҳи

Ўзбекистоннинг сайёҳлик бўйича ислохотлари Эрон ОАВда ёритилмоқда

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Маданият институти ва «Fars News» ахборот агентлиги порталларида Ўзбекистонга бағишланган мақолалар эълон қилинди.

Материалларда жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонга 610 минг хорижий сайёҳ келгани ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар кўп бўлгани маълум қилинган.

«Ўзбекистон туризм магистрალი» бўйлаб, 31 туман ва шаҳар ҳудудидан ўтувчи йўллар бўйида автотурагоҳ, кемпинг, автосервис, овқатланиш, ёнилги қўйиш каби хизматларни қамраб олган «Карвонсарой»лар барпо этиш чоралари белгиланди, — деб ёзилади форс нашрларида.

Материалларда, шунингдек, сайёҳларни жалб қилишда маданий тадбирлар муҳим ўрин тутуши қайд этилган. «Ўзбекистон 186 хил халқаро ва маҳаллий фестивалларни ташкил этмоқда. Улар орқали қўшимча 1 миллион хорижий ва 5 миллион нафар ички туристларни жалб қилиш имконияти бор.

ИХТ Маданият институти ва «Fars News» ахборот агентлиги Президент Шавкат Мирзиёев нафақат байрамлар арафасида, балки йил давомида ички туризмни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлаганини қайд этган.

«Дунё» АА. Техрон

МЕҲМОНХОНАЛАРДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАНЛАРГА ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ ТАЛАБЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йиғирма бешинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга янги сурат бериши кутилаётган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Муносабат

Авалло, мазкур қонунда кўтарилган масалалар давр талаби эканлигини, яъни инсонни улуглаш ғоясига мослигини айтиб йиш даркор. Маълумки, кейинги йилларда аҳолининг эътибор зарур бўлган қатлами — ногиронлиги бор шахсларга кўпроқ шарт-шароит яратиш ва бунинг ҳуқуқий асосини янада мукамаллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Замон талаби асосида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат билан «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунга тиббий-ижтимоий хизматлар соҳасидаги сўнгги ислохотларга мутаносиб келадиган муайян янгиликлар киритилмоқда.

ликларга дуч келишмоқда. Уларга фақатгина пандус йўлаклари эмас, балки хоналарда талаб этиладиган шарт ҳам шарт. Бу, ўз навбатида, бинони замон талабига мос лойиҳалаштириш ва инфратузилмасига янада эътибор ва масъулият билан ёндашиш кераклигини ҳам аналтади.

Шунингдек, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ҳамда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуларга киритилаётган янги ўзгаришлар билан «тиббий-ижтимоий экспертиза» ва «ногиронлиги бўлган болалар» тушунчалари батафсил ёритиб берилмоқда.

Шу ўринда тегишли ҳужжатларга киритилган янгиликлар инсонларга қўлайлик яратишга қўлай, айрим тузилмалар фаолиятининг ўзгаришига туртки беради. Шу маънода, мазкур қонунни долзарб аҳамиятга эга ҳужжат, десак тўғридир. Зеро, у «Инсон қадрини унун» тамойиллини рўйга қиришда қўл келади.

Манзура САЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Парламент комиссиясининг 2022 йил 29 апрелдаги 12-сонли қарорига 1-илова

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

«Ижтимоий-маънавий муҳит барқарор бўлмаган маҳаллаларда аҳолини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликка жалб қилишга кўмаклашиш» мавзусида давлат грантлари ажратиш учун 1-танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги мақсадларни назарда тулгувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

9. Одам савдосининг олдини олиш бўйича профилактик ишлар ва ундан жабр кўрганларга ижтимоий-психологик, иқтисодий ва маънавий кўмак кўрсатиш.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

«Аҳолига ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини етказиш, уларнинг онги, маънавий-маърифий дунёқарашини ўзгариши» мавзусида давлат грантлари ажратиш учун 2-танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўйидаги мақсадларни назарда тулгувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш ишларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтириш;

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор шоҳқўчаси, 1-уй.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор шоҳқўчаси, 1-уй.



Янги Ўзбекистонга ярашгай янги йўллар!

Инсон тонгда кўз очиб, бисмиллаҳ деб йўл босар, Яратганга ёлвориб, хуш дуога қўл очар, Яхши ният одамзод қадамига нур сочар, Ҳалол ризқ яратганда билсанг толмағай қўллар, Муродимиз меваси — бу йўллардир, бу йўллар!

Бу раvon йўлда юриб, ўтмишинга боқиб кўр, Охи уммон тарихинг оҳларида оқиб кўр, Тийрак назар, тафаккур чирогини ёқиб кўр, Кўзларингга кўрингай, чинқириб ётган чўллар, Не-не кунлар гувоҳи, бу йўллардир, бу йўллар!

Ғафур Фулом дард тўккан "Турксиб йўлларида", * Ёзломай қолган рост сўз бўзлаган дилларида, Қалам ҳам қон қақшаган титраган қўлларида, Чўлпон, Фитрат, Қодирей, элим деган не эрлар, Охиратга одинроқ олиб кетган бу йўллар!

Бу йўллардан ўтмади, не-не азоб қарвони, Тупроқ билан тенг бўлди, гоҳи миллатнинг шони, Шукурким, келди юртга Хурриятнинг замони, Ўз эркидан энтиқди, орзиқиб кутган диллар, Элининг қувонч ёшини сипқорган ҳам шу йўллар!

Мақсад улуг, йўл раvon — олиб чиқар дунёга, Тенглар ичра тенг миллат голиб чиқар дунёга, Ахир ким ташина эмас, муҳаббатга, зиёга, Қалблар қалбга вобаста, изҳорда бурро тиллар, Яираб юрсанг яшнасай, янги-янги бу йўллар!

Нарvon бошига ҳеч ким сакраб чиқолган эмас, Мушкулени одамзод долба ечолган эмас, Алангаси ўзидан чиққан эли эл демас, Ўз-ўзига чоҳ қазир, нафсига абад қўллар, Юрагимиз юзидан очайлик янги йўллар!

Инсонни эзгу ишга, аввало, онги йўллар, Ким шукурда уйғонса, умрининг тонги йўллар, Ҳар вилоят, ҳар туман бағрида янги йўллар, Биз бир-бирни қўлласак, Яратган бизни қўллар, Тошкентга чирой бўлди, Юртбоши очган йўллар!

Бугунги Ўзбекистон ўз янги бўстонида, Монолит кўприклар ҳам, бир янги имкони-да, Аждодлар номи балқир миллатимиз шониди, Шодон руҳлар кўклардан не ажас дуо йўллар, Янги Ўзбекистонга ярашгай янги йўллар!

Маҳмуд ТОИР Ўзбекистон халқ шоири.

*Ғафур Фуломнинг шу номдаги шеъри кўзда тутилган.

ИНСОН ҚАДРИ

Таълим-тарбия тараққиёти маҳсулидир

Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлининг туб моҳиятида инсон қадри тамойили устуворлик касб этади. Инсон қадри — мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарога муносиб яшаш тарзини яратиш, унинг тинч ва фаровон умр кечириши, малакали тиббий хизмат ҳамда таълим олишини таъминлаш, ҳуқуқ-эркинлигини ҳимоялашдир. Мазкур вазифаларни тўлақонли рўёбга чиқаришда Президентимиз ташаббуси билан етти устувор тамойилга асосланган Тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Бу стратегия ривожланишнинг тамомила янги босқичи сифатида "инсон — жамият — давлат" тамойили асосида "Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат" ғоясини амалга оширишда дастуриламал бўлмоқда.



мақсадлар билан тўлдиришдир. Бу, ўз навбатида, самарали ва таъсирчан тарғибот технологиялари ҳамда усулларини ишлаб чиқишни, хорижий тажрибани ўрганиш, шунингдек, бугунги мафқуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиб бориш каби алоҳида индивидуал ёндашувларни талаб этади.

Мушоҳада

Миллий тикланишдан — миллий юксалтишга ўтиш даврида учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга қаратилган ислохотлар марказида миллий ғоя туриши зарур. Чунки миллий ғоя муайян халқнинг келажакка интилуви мақсадли ўзида муҷассамловчи шiori-дир. У миллатни ўша мақсад атрофида бириктиради, сафарбар этади. Барча савий-ҳаракат, интилиш, бунёдкорлик фаолияти унга мувофиқлашади. Иқтисодий, ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқий, сиёсий, мафқуравий асослар, таълим-тарбия тизими чуқур ислохот қилиниши миллий ғояда муҷассам топади.

нат фаолиятига, айни пайтда, ижтимоий муносабатларига ҳам кўчиб ўтади. Ўз ўрнида ёшларнинг ахлоқий-психологик қиёфасига, жамиятда маънавий жараёнлар ривожига салбий таъсир этмай қолмайди. Натijaда вуҷудга келган бўшлиқда бузғунчи кучлар ўз мақсадларини турли ижтимоий тармоқлар ва янги ахборот-коммуникация воситалари орқали ёшлар онгига сингдиришга интилади.

Сунгги йилларда маънавий барқарорлиқни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчил тизимга айланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур тадбирлар барқарор ижтимоий муносабатлар ривожини таъминловчи барометр сифатида ёшлар фаолиятини янада жадаллаштиришни кўзда тулади.

Бугунги глобал дунёда миллий ўзига хослик ва маънавий қадриятларга таҳдидлар ошииб бормоқда. Ёшлар онгига эгоцентризм, иш, оилага, истеъмол маданиятига лоқайдликни сингдиришга қаратилган тарғибот кучаймоқда.

Хусусан, мазкур ислохотларнинг янги босқичи сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, йигит-қизларга белгиланган тартибда муқофотлар, стипендиялар, таълим грантлари тақдим этиш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш мақсадида танловлар, олимпиадалар, кўргазмалар ташкил қилиш, ёш кадрларни хорижий мамлакатларда ўқитиш, қайта тайёрлаш тизими амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда жаҳонда терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятлар, одам савдоси ҳамда гиёҳвандлик каби иллатлар кишиларнинг фаровон ҳаёти, хотиржамлигига раҳна солаётир. Ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш ҳисобига баъзи ҳудудларда сунъий беқарорлик, ноеролик кайфияти пайдо қилинган. Бундай ҳавотирли вазиятда эҳтиёткор ва ҳушёр яшаш, юртимиз тинчлиги ва манфаатларини кўзда тутиб, ёшларга таълим-тарбия беришда ижтимоий-гуманитар фанлар қўламини ошириш ниҳоятда долзарбдир.

Худудларда ташкил этилаётган ёшлар кичик саноат зоналари, "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари, "Yoshlar mehnat uzati" комплекслари, "Лойиҳалар фабрикаси", "Ёшлар муқожаати" электрон платформаси фаолияти, ҳаётга самарали татбиқ қилинаётган "Оилавий тадбиркорлик" комплекслари, "Лойиҳалар фабрикаси", "Ёшлар муқожаати" каби рағбатлантирувчи технологиялар ўз натижаларини бера бошлади.

Мазкур таълим-тарбия тизими самарадорлигини ошириш, унинг узвий ва уйғунлигини таъминлаш, ноанъанавий тажрибаларни жорий этиш долзарб масала бўлиб қолади.

Энди асосий мақсад ёшлар онгу қалбини эзгу ғоялар, мағзи тўқ Мухтасар айтганда, ушбу йўналишдаги ишларда оила, маҳалла, таълим ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамкорлигини кенгайтиришга, айни пайтда, лаёқатли мутахассислар билан таъминлашга ҳамда уни илмий асослантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, деб уйлаймиз. Бундай вазифа таълим тизимида нафақат ғоявий ва молиявий, балки замонавий ташкилий-структуравий тузилмаларнинг уйғунлашувини талаб этади. Ва энг асосийси, халқимиз бирлашиб, бу вазифаларни сидқидилдан бекаму кўст бажаришга қодирлиги бизга мамнуният бағишлайди.

Энди асосий мақсад ёшлар онгу қалбини эзгу ғоялар, мағзи тўқ Мухтасар айтганда, ушбу йўналишдаги ишларда оила, маҳалла, таълим ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамкорлигини кенгайтиришга, айни пайтда, лаёқатли мутахассислар билан таъминлашга ҳамда уни илмий асослантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, деб уйлаймиз. Бундай вазифа таълим тизимида нафақат ғоявий ва молиявий, балки замонавий ташкилий-структуравий тузилмаларнинг уйғунлашувини талаб этади. Ва энг асосийси, халқимиз бирлашиб, бу вазифаларни сидқидилдан бекаму кўст бажаришга қодирлиги бизга мамнуният бағишлайди.

Бекдавлат АЛИЕВ, Тошкент давлат иқтисодий университетининг Ижтимоий-гуманитар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШГА УНДАЁТГАН РАҒБАТ

Шунингдек, тадбирда "Инсон қадрини улуғлашга бағишланган энг яхши материаллар учун", "Маҳалла, оила ва гендер тенглик мавзуси энг яхши ёритилган материал учун", "Ўзбекистон тарихи ёритилган энг яхши материал учун", "ОАВ билан энг фаол ҳамкор ахборот хизмати", "Энг яхши фоторепортаж" рағбатлантирувчи номинациялар бўйича муқофотлар ҳам ўз эгаларига топширилди. Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материал учун чет эллик журналистлар ҳам тақдирланди.



диплом, "Олтин қалам" танлови кўрак нишони, статуетка ва базавий ҳисоблашнинг 200 баробари миқдорда пул муқофоти билан тақдирланди. Ғолиб жамоага муқофотни Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент матбуот котиби Шерзод Асадов топширди. Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида кат-

та концерт дастури намойиш этилди. Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»). Ҳасан ПЛАЙДОВЕВ олган суратлар.

АНЪАНАГА АЙЛАНАЁТГАН ЭЗГУ АМАЛЛАР

Жонажон юртимизда жорий йилги Рамазон ойи катта шуқуқ билан ўтди. "Ҳазрати Имом" мажмуаси ёнида қад ростлаб, ҳудуд кўрқига кўрк қўшган Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказига ташриф буюрган давлатимиз раҳбари пардозлаш ишларини кўздан кечиришти, шундай деди: "Бугун, муборак Рамазон ойида, жума кунинда бу ерга келишимиз бежиз эмас. Бундай улуг айём кунларида қилинган ниятлар амалга ошади. Охириги йилларда оғир-оғир синовлардан ўтдик. Лекин бу ерда иш тўхтагани йўқ. Нима учун буни қуряпмиз? Халқимизнинг дунёқарашини, гурурини кўтариш, қандай буюк эл эканимизни ашъвий далиллар билан намoён этиш учун".



Бундай мисоллар асрлар оша меҳроқибат, хайру соҳоват, маънавият-маърифат дини бўлиб келган муқаддас ислом динимизга сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида эътибор кучайганини дунё ҳамжамияти эътироф этаётганидан дамалат беради. Давлатимиз раҳбари 26 апрель кuni ўтказилган туризм хизматлари қўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видео-селектор йиғилишида Рамазон ойи муносабати билан юртдошларимизга беш кун дам берилишини маълум қилди. Ҳақиқатан

ҳам, Рамазон ҳайити кунлари хурсандчилик қилиш, бу айёмни байрам кайфиятида ўтказишнинг савоби улуг экани муқаддас динимиз таълимоти билан ҳамоҳандир. Ривоят қилишларинан, Набий соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келганларида маҳаллий аҳоли икки кун ўйин-кулги қилишар эди. — Бу икки кун қандоқ кун? — деб сўрадилар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам. — Биз ҳожиёти даврида шу кунлари ўйин-кулги қилар эдик, — дейишди улар. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: — Албатта, Аллоҳ сизларга у иккиси ўрнига улардан кўра яхшироқ — Азҳо (Қурбон) ва Фитр (Рамазон ҳайити) кунларини берди, — дедилар. Виждон эркинлиги тўлиқ таъминлангани Рамазон ойи давомида мамлакатимизда 2025 та масжидда, жумладан, Тошкент шаҳридаги 224 та масжидда таровеҳ намозлари эмин-эркин ўқилганда яна бир бор намoён бўлди. Бундай ибодатларда юртимиз тинч-осойишталиги, халқимиз турмуши фаровонлиги ва маъмур

бўлишини тилаб хайрли дуолар қилинди. Қувончларини, барча масжидда мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус ислом билим юртиларида таҳсил олган талабалар Қуръони каримни хатм қилиб беришди. Ёши улуг кишилар яхши эслашди: истиқлолнинг дастлабки йилларида юртимиздаги масжидларда Рамазон ойида қорилар етишмас, Миср, Саудия Арабистони ва Туркиядан ҳофизи Қуръонлар тақли этилар эди. Бугун қориларимиз нафақат юртимизда, айни пайтда ташаётган тақлифларга биноан чет давлатларда ўтаётган таровеҳ намозларида муслмонларни Каломulloхдан баҳраманд этишмоқда. Рамазон ойи ва Ҳайит кунларида кўплаб кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, етим-есирлар, бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан қўмақлаштирилган ҳам муқаддас динимиз таълимотининг инсонпарварлиги намунаси. Хонадонларда ташкил этилган ифторлик тадбирларида аҳоли, хусусан, ёшларга қўлга киритилаётган ютуқларимизнинг асоси бўлган ошуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, тинчликни асраб-авайлаш, мустақиллиги

мизни янада мустаҳкамлаш, турли ёт ғоялар тасвиридан эҳтиёт бўлиш шарт экани борасидаги ўғитлар муборак ой фазилатини янаам кўркамлаштирди. Рамазон ойи давомида маҳаллаларда диний бағрикенглик, миллатларро тотувлик, ўзаро меҳроқибат муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли тадбирлар юртимиздаги турли миллат ва эллар тар вакиллари, ҳар хил диний конфессиялар аъзоларининг янада ишлашувига, ҳамжиҳатлигига хизмат қилди. Эътибор ва хайру соҳоват ойда баъзи сабаблар билан юз кўришмас бўлиб кетган оилаларни муросага келтириш савоби улуг амаллардан. Шу боис имом-хатибларимиз, отинийларимиз ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида нотинч, ноқобил оилалардаги муҳитни соғломлаштириш, низолашганларни яраштиришга алоҳида эътибор қаратди. Бунинг натижасида кўплаб оилалар яна ўз бахтини топиб кетди. Муборак Рамазон ойи давомида қилган хайрли амалларимизни анъанга айлантириб, йил бўйи давом эттиришнинг юртимиз тинч-осойишта, осмонимиз мусаффо, халқимиз турмуши фаровон бўлишини таъминлашга самарали таъсир қилади. Раҳматуллох САЙФУДИНОВ, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби.

Акс садо

Диний соҳа вакиллари учун ҳам маърифат маскани бўлиб қоладиган мазкур марказда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ходимлари барча имом-хатиблар, ноибларнинг тизимли тарзда малака оширишларини таъминлаб боришади. Қадр кечаси — умрлар, ажаллар, ризқлар ёзиладиган кундир. Ҳар йили ушбу кечада тақдирлар белгиланади. Қадр кечаси юртимиздаги 350 та жоме масжидда Қуръони карим хатмлари ниҳоясига етди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги барча масжидда Каломulloхнинг хатм дуолари

қилинди. Рамазоннинг охириги ўн кунлигида — "Итқум минан нийрон" даҳасида бир гуруҳ уламоларимиз Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетишлари ўзига хос воқеалик бўлди. Улар Огайо штатидаги Цинциннати шаҳрида қурилаётган "Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф" жоме масжидига тамал тошини қўйиб берди. Мазкур масжид миллий мейморчилик анъаналари асосида бунёд этилмоқда. Шунингдек, ўзбекистонлик меҳмонлар Филадельфия шаҳрида қурилаётган янги "Масжид ал-Бухорий" ислом маркази ва масжидини бориб кўришди.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 548. 31 218 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонидаги орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — Ф. Бозоров. МУСАҲҲИХ — С. Исмолов. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.30 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6